

## Ахоли Турмуш Даражасини Сифатини Оширишда Миграция Аҳамияти

*Нишонова Сайёрахон Мамаджановна<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Ҳозирги кунда ривожланаётган давлатларда Ахолини кундалик хаётини миграциясиз тасаввур қилиш қийинdir. Республикализ ахолисини моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда миграция катта аҳамиятга эга бўлиб колмоқда. Мақолада Ахоли турмуш даражасини яхшилашда миграци роли ва ахоли даромадларда хориждан келаётган пул ўтказмалари хақида сўз боради. Қиёсий статистик, таққослаш усуллардан фойдаланилди.

**Калит сўзлар:** Ахоли даромадлари, ахоли турмуш тарзи, олиб борилаёт ислоҳотлар, миграция, хориж давлатлари.


**KIRISH.** Ахоли турмуш даражаси деганда, одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, уларнинг истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади. Турмуш даражаси: – тор маънода ахолининг истеъмол эҳтиёжлари қондирилганлиги, истеъмолнинг даромад ва харажатлар билан таъминланишини; – кенг маънода инсонни ривожланиши даражасини (соғлик, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари) ва унинг яшаш шарт-шароитларини (атрофмуҳит, хавфсизлик маслалари) англатади. Ахоли турмуш даражаси – ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий-маиший эҳтиёжи қондирилиши ва ижтимоий турмуш шароити яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади. Одатда ахоли турмуш даражаси кўйидагича таснифланади: – тўкин-сочинлик (инсон баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти); – меъёрли даража (инсон жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини такрор ҳосил қилишини тамилловчи илмий асосланган оқилона истеъмол даражаси); – камбағаллик (иш кучини такрор ҳосил қилишда моддий неъматлардан уларнинг қуий чегараси доирасида фойдаланиш имконияти); – қашшоқлик (моддий неъматлардан биологик мезонлар асосида минимал даражада фойдаланиш).

**MAQSAD VA UNI ASOSLASH;** Иқтисодий адабиётларда ахоли турмуш даражаси инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилади. В.Н.Салин, Е.П. Шпаковскаялар “Ахоли турмуш даражаси бу инсон фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йигиндинини ифодаловчи мураккаб ва кўп киррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи хисобланади”, – деб кўрсатади [2]. Ахоли турмуш даражасига моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражаси сифатида қарашлар бор [3]. Бу таъриф кўпроқ турмуш даражасининг статистикасини тавсифлайди, ҳолбуки турмуш даражаси кўплаб омиллар таъсирида ўзгариб турувчи динамик жараёндир. Бир томондан, турмуш даражаси мунтазам ўзгариб турувчи турли неъматларга эҳтиёжларнинг таркиби ва миқдори билан белгиланади, иккинчи томондан, бозордаги товарлар ва хизматлар, ахоли даромадлари, ходимлар иш ҳақларининг ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда эҳтиёжларни қондириш имконияти билан чекланиб қолади. К. Х. Абдураҳмонов “турмуш даражаси” тушунчасининг мазмунини истеъмол соҳаси билан чеклайдиган муаллифлар нуқтаи-назарини тўғри деб хисоблайди. Унинг фикрича, турмуш даражаси деганда, ахолининг зарур моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиш даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади [4].

<sup>1</sup> Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси



## Hududlar bo'yicha aholi jon boshiga umumiy daromadlar hajmi (2023-yilning yanvar-dekabr oylari bo'yicha, ming so'm)



**1-расм Худудлар бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий даромадлар (сўмда).**

**ILMIY MUAMMONING TAVSIFI VA YECHIMI:** Статистика агентлиги берган маълумотларга кўра республикамизда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳажми бўйича 2023 йил ҳисобида, биринчи навбатда пойтахтимиз Тошкент шаҳрига тўғри келди 44 427 минг сўмни ташкил этди. Навои вилоятида эса 31 445 минг ҳисобланиб, Бухоро 23 480 минг сўмни хосил қилди. Юқоридаги 2 та йирик шаҳар Тошкент, Навои энг ишлаб чиқариш ва саноат марказларидан ҳисобланиб шунга кўра энг кўп аҳоли даромадлари шу вилоятларга тўғри келади. Бухоро вилояти эса туризм марказларидан ҳамда нефтьни қайти ишлаш ва бир қанча йирик зазодлар жойлашган худудлардан бири сифатида танилган. Энг кам микдор Қорақалпоқистон Республикасида қайд этилиб 14 570 минг сўмни ташкил этди. Юқорида айтганимиздек аҳоли турмуш даражаси ишлаб чиқариш кучларини жойлашишига, табиий ресурсларга, маҳаллий инфратузилмаларни тараққий этгани билан ифодаланади.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра аҳоли даромадларини таркибида янги Ўзбекистон учун хос жиҳатларидан бири миграция катта аҳамиятга эса бўлиб қолмоқда. Шунингдек аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда меҳнат миграциясининг аҳамияти куйидагилардан иборат:

- Даромад манбайи: Меҳнат мигрантлари оиласига юбораётган пул ўтказмалари уларнинг турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашади. Бу даромадлар аҳолининг моддий фаровонлигини, истеъмол ва инвестиция даражасини оширади.



2. Инсон капиталини ривожлантириш: Миграция жараёнида ўзлаштирилган янги билим, малака ва тажриба мигрантлар қайтганда мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётiga хизмат қилади. Мехнат мигрантлари орқали янги технология ва инновациялар трансфери юз беради.
3. Ишсизликни камайтириш: Мехнат миграцияси ўз ўрнида мамлакат ичида ишсизликни камайтириш имконини беради. Бу орқали аҳолининг даромад манбаи ва турмуш шароитлари яхшиланади.
4. Ташқи савдо ва тўловлар балансининг яхшиланиши: Мехнат мигрантлари юбораётган пул ўтказмалари Ўзбекистоннинг ташқи тўловлар балансини яхшилайди. Бу эса макроиктисодий барқарорлик ва мамлакат молиявий имкониятларини кенгайтиради.
5. Ижтимоий-маданий ривожланиш: Мехнат миграцияси аҳоли ҳаёт тарзи, маданияти ва дунёқарашларининг кенгайишига олиб келади. Бу ижтимоий ривожланиш, қадриятларнинг модернизациялашувига ёрдам беради.

Мехнат миграцияси аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим манба ҳисобланади. Бироқ бунинг учун меҳнат миграциясини бошқариш, ҳуқуқий, иқтисодий ва институционал механизмларини такомиллаштириш зарур.

Йирик корхоналар ва саноат марказлари бўлган жойларда аҳоли даромадларини юқорилиги. Иш ўринлари ва даромад имкониятлари йирик корхоналарда меҳнат қилиш юқори ойлик иш ҳаки ва турмуш даражасини таъминлашида кўринади. Бундай ишлаш қишлоқ ва кичик шаҳарларга нисбатан кўпроқ иқтисодий имкониятлар беради. Шунингдек йирик саноат корхоналари ўрнашган худудларда ижтимоий-сиёсий барқарорлик юқори бўлади.

Ҳозирги кунда давлатимизда олиб борилаётган худудий ривожланиш дастурлари йирик корхоналар жойлашган худудларда давлат томонидан имтиёзлар, ижтимоий ривожланиш дастурлари амалга оширилмоқда, бу эса ўз навбатда одамларнинг ўз жойида эҳтиёжларини қондиришини таъминлайди. Шундай қилиб, йирик корхонлар ва саноат марказлари атрофида яшовчи аҳоли миграциясининг пасайиши олиб келиб бу худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги ҳамда ишлаш ва яшаш шароитларининг яхшилиги билан изоҳланади.

## Хулоса

Аҳолини даромадини ошириш турмуш даражасини яхшилашда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, завод фабрикалар қуриш лозим. Саноатни ривожлантириш. Ер, сув, энергия, хомашё ва бошқа ресурсларни самарали ва барқарор истифода этишга асосланган янги корхоналар қуришга инвестициялар жалб қилиш мақсадга муофиқ ҳисобланади.

Кўшилган қиймати юқори бўлган юксак технологияли ва инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Маҳаллий хомашёни чукур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Инсон капиталини ривожлантириш орқали илмий-ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлаш. Кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ва уларни сақлаб қолиш механизмларини яратиш. Илмий-педагогик ходимлар учун муносиб иш шароитлари ва ижтимоий кафолатларни таъминлаш. Ёш олимлар ва тадқиқотчиларни қўллаб-куватлаш дастурларини ишлаб чиқиши.

Миграция имкониятларини кенгайтиш меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни касб-хунарга ўргатиб малакали мутахассис таёrlаб хорижга ишга жўнатиш дастурларини ишлаб чиқиши, ва миграция масалаларни такомиллаштириш.

## Адабиётлар:

1. Н. И. Рустамо “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015 йил, [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
2. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика. М., 2001. с. 399.



3. Дагбаева С.Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ., 2008. с.35.
4. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. Тошкент, “Мехнат” 2009. 357- 6.
5. Рабиев. Б. Аёллар уй миграциясини тартибга солиш бўйича Филиппин тажрибаси/Society, Gender and Family in Central Asia international academic peer reviewed journal/2024/2 (11)/DOI: 26739/2118-9998.

